

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг
А Ж Р И М И

2021 йил 14 октябрь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Д.Ражабов,

судлов ҳайъати судьялари: М.Юсупов ва Ғ.Амоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Норкуловнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, маҳкум А.Наримовнинг ҳимоячиси адвокат А.Алимкулов иштирокида, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 13 сентябрь кунги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган

19 йил куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, -хонадонда яшовчига

нисбатан чиқарилган суд ажрими устидан маҳкум А.Наримов томонидан апелляция тартибида берилган хусусий шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2019 йил 7 февраль кунги ҳукмига кўра, А.Наримовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2021 йил 24 июнь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган 1 йил 7 ой 18 куни шу муддатга иш ҳақининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 13 сентябрь кунги ажрими кўра, Юнусобод тумани ИИО Пробация гуруҳи бошлиғининг маҳкум А.Наримовга нисбатан суд ажрими билан алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 1 йил 7 ой 18 кунини бошқа жазо турига алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилиб, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 7 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари



жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Маҳкум А.Наримов шикоятда, оилада ота-онаси нафақада ва онаси 2-гурух ногирони эканлиги, 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, бошқа қарзларини қоплаш ва фарзандини мактабга тайёрлаш учун белгиланган жойда ишламай норасмий равишда хусусий корхонада ишлаганлиги, Пробация бўлими инспектори томонидан унга ишга йўлланма берилганлиги, лекин у ишга жойлашиш учун мурожаат қилмаганлиги, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдириб, ишни қайтадан кўриб чиқишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати иш бўйича судья Д.Ражабовнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг туман судининг ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум А.Наримовнинг ҳимоячиси адвокат А.Алимкуловни апелляция шикоятда келтирилган важларни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, хусусий шикоятларда келтирилган важларни иш материаллари асосида атрофлича муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топди.

Иш ҳужжатларига кўра, маҳкум А.Наримов 2021 йил 28 июнь куни Юнусобод туман ИИО Пробация бўлинмаси ҳисобига олиниб, жазони ўташ тартиб-қоида талаблари тушунтирилган, тилхатлар олиниб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси талаблари билан огоҳлантирилиб, жазони ўташ учун Юнусобод тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилган, бироқ у марказга бормаган ва жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб, узрсиз сабабларга кўра ишга жойлашмаган.

2021 йил 16 июль куни А.Наримов билан Юнусобод туман ИИО Пробация бўлинмаси ходимлари такроран профилактик суҳбат ўтказиб, ЖКнинг 46-моддасига асосан огоҳлантирилган.

А.Наримов ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, ишга жойлашмасдан, жазони ўташдан бўйин товлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида «Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради» деб кўрсатилган.

Маҳкум А.Наримов ўташи лозим бўлган 1 йил 7 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини умуман ўтамасдан, қасддан жазо ўташдан бўйин товлаш муддати мазкур жазонинг ўндан бири ҳисобланган 1 ой 29 кундан кўпини ташкил қилади. Шу билан бирга А.Наримов муқаддам жазони ўтамаганлиги сабабли тайинланган жазо тури оғирроғига алмаштирилган ва бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган.

Юқорида баён этилганларга асосан, апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, А.Наримов ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамаганлигини инобатга олиб, биринчи инстанция суди Тошкент шаҳар Юнусобод туман



ИИО Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда суднинг ажримини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 13 сентябрь кунги [REDACTED] га нисбатан чиқарган ажрими ўзгаришсиз, хусусий шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо) Д.Ражабов

Судлов ҳайъати судьялари: (имзо) М.Юсупов

(имзо) Ғ.Амонов

Ажрим аслига тўғри:

